

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз



Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

Цемент нархини пасайтириш чоралари кўрилди

Президентнинг 4.05.2018 йилдаги «Ички бозорни цемент билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3696-сон қарори эълон қилинди.


Монополист корхоналарга уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқаролар учун арзон уй-жойларни, ижтимоий соҳа, транспорт инфраструктураси ва сув хўжалиги объектларини марказлашган манбалар ҳисобидан қуришни амалга оширувчи пудрат ташкилотлари билан икки томонлама шартномалар бўйича 2 млн тонна ҳажмдаги цементни сотишга рухсат берилди. Бунда унинг бир тонна-

си учун нархи 367 минг сўмни (ҚҚС билан), олдиндан тўлов эса 100%ни ташкил этади.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 14.11.2017 йилдаги ПҚ–3386-сон қарорига мувофиқ монополист корхоналар цементни биржа савдоларида сотадилар.

Шунингдек цемент ва клинкер ишлаб чиқарувчилар учун белгиланган чегара оширилди,

ундан ортиқ олинадиган фойда қўшимча фойда деб тан олинади. Эслатиб ўтамиз, Солиқ кодексининг 249 ва 250-моддаларига мувофиқ, қўшимча фойда – реализация қилишдан олинган соф тушум билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳисоб-китоб баҳоси ўртасидаги фарқ. Қўшимча фойда суммаси билан қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган соф тушумдан ҳисоблаб чиқарилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган соф қўшимча фойда солиқ солинадиган базасида.



Позиция	Аввалги солиқ солинадиган база (ҚҚС ва акциз солиғисиз)	Янги солиқ солинадиган база (ҚҚС ва акциз солиғисиз)	Солиқ ставкаси
Цемент	1 тонна учун 145 000 сўмдан юқори	1 тонна учун 280 000 сўмдан юқори	50%
Клинкер	1 тонна учун 120 000 сўмдан юқори	1 тонна учун 260 000 сўмдан юқори	

Бу – муҳим! Вазирлар Маҳкамаси биржа савдоларидаги нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган базанинг миқдорини қайта кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 5.05.2018 йилдан қучга кирди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Инспекция агросаноат устидан тўлиқ назорат қилади

Президентнинг 7.05.2018 йилдаги қарори билан Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлигини устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари қабул қилинди.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 17.04.2018 йилдаги ПФ-5418-сон Фармони билан қишлоқ хўжалиги бошқаруви соҳасида ислохотлар амалга оширилган: янги органлар, шу жумладан Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (бундан кейин – Инспекция) ташкил этилди, 5 та қишлоқ хўжалиги идора ва муассасаси тугатилди.

1 августдан «Ўзстандарт» агентлигининг «Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификатлаш «Сифат» маркази» ДК ҳам тугатилади. Инспекция тугатилаётган барча ташкилотларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади, шу жумладан уларнинг вазифалари, функциялари ва ваколатлари унга ўтади. Тугатилаётган ташкилотлар ходимларининг ишга жойлаштирилишини таъминлашга кўмаклашилади.

Инспекция нималар билан шугулланади

Қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

1) қуйидагилар устидан назорат қилиш:
 > пахта ва дон экинларининг уруғларини давлат томонидан буюртма қилиш, тайёрлаш, алоҳида қайта ишлаш ҳамда кейин бўйича талабларга риоя қилиниши;

> қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларининг тегишли ҳажмларда шакллантирилиши;

> қишлоқ хўжалиги ерлари, қишлоқ хўжалиги экинлари давлат ресурсларидан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланилиши;

> сунъий сув объектларида сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши;

> қишлоқ хўжалиги, мелiorация ва йўл-қурилиш техникаларининг, уларнинг эксплуатация қилиниши, сифати самарадорлигининг, сервис ва таъмирлаш хизматларининг техник ҳолати ва бошқалар;

2) экспорт-импорт ва ички ташишларда дон экинлари, пахта хом ашёси, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифатини текширувдан ўтказиш;

3) ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

4) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш.

Инспекция бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг чекланган соми – 1 795 нафар. Унинг марказий аппарати, шунингдек Инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари, туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимларининг тузилмалари тасдиқланган.

Инспекция фаолиятини Президент тайинлайди. У мақоми, меҳнатига ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт

хизмат кўрсатиш шартлари бўйича Бош прокурор ўринбосарига тенглаштирилган.

Даражали унвонларга эга бўлган Инспекция ходимлари прокуратура органлари ходимлари ҳисобланади ҳамда уларга тегишли имтиёзлар, моддий ва ижтимоий ҳимоя чоралари татбиқ этилади.

Инспекция ҳузурида «Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази» ДУК ташкил этилди

Унинг асосий вазифалари:

> намуналар танлаб олиш ва маҳсулотни идентификациялаш;

> пахта толаси, пахта момиги, пахта ва қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари, шунингдек, дон ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар синовларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

> мувофиқлик сертификати бериш;

> пахта толаси ширадорлигини аниқлаш, пахта толаси ва момиги тойлари массаси назоратини амалга ошириш;

> пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналари, пахта маҳсулотларининг харидорлари ҳамда бошқа ташкилотлар учун сертификатланадиган пахта маҳсулотлари ташқи кўринишининг стандарт намуналарини тайёрлаш, реставрация қилиш ва улар билан таъминлаш;

> районлаштирилган ва истиқболли қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг нав софлигини тупрокдаги таҳлил орқали текшириш ҳамда натижаларини манфаатдор ташкилотларга юбориш.

Бу – муҳим! Марказ томонидан Инспекциянинг назорат функцияларини амалга ошириш учун кўрсатиладиган хизматлар солиқ солинадиган базасида киртилмайди.

2-бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

Офицер қанча хизмат қилади?

Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳаси

8-БЕТ

Ҳаракат қондасини бузганлик учун жарима кимга тўланади?

Бош прокуратура ҳузуридаги Инспекция агросаноат устидан тўлиқ назорат қилади



**Инспекцияни ривожлантириш
учун – махсус Жамғарма**

Унинг маблағлари қуйидаги манбалардан шакллантирилади:

➤ Марказ даромадларининг 20%;

➤ Инспекция қўллаган жарима санкциялари умумий суммасининг 40%;

➤ Инспекция ходимлари томонидан солинадиган жарималар миқдорларининг 50%;

➤ тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация

Қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб беришнинг янги шартлари тасдиқланди

Президентнинг 10.05.2018 йилдаги «Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори имзоланди.

2018 йилда ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришнинг қўшимча ҳажмлари тасдиқланди. Техниканинг бир қисми лизинг бўйича етказиб берилади. Банкларга асосий қарз ва фоизларни сўндиришнинг имтиёзли даври билан 4 ойдан кам бўлмаган муддатга лизинг ташкилотларига улар техникани етказиб бериш имкониятига эга бўлишлари учун кредитлар ажратиш тавсия этилди.

Бундан ташқари, етказиб беришнинг янги тартиби

жорий этилди. Буюртмалар портфели устувор равишда маҳаллий ва жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчилари иштирокида ўтказиладиган ҳудудий ярмаркалар давомида амалга оширилади. Улар бир йилда икки марта – февраль-март ва сентябрь-октябрь ойларида ўтказилади.

Етказиб бериш шартлари – олдиндан тўлов етказиб берилаётган техника нархининг 80%идан кам бўлмаган миқдорда техникани етказиб бериш бош-

ва йўл-қурилиш техникалари, ўзи юрар машиналар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларини техник қўриқдан ўтказиш, гувоҳномалар, рақам белгилари ва техник паспортлар бериш учун ундирилаётган йиғимлар миқдорининг 80%;

➤ Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

➤ қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

ланишидан 120 кундан кам бўлмаган муддатда, яқиний ҳисоб-китоб эса етказиб берилган техника қабул қилингандан кейин 10 иш кунини давомида.

Ҳужжат қуйидаги йўналишларда қатор топшириқларни ҳам ўз ичига олади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш ИТИ фаолиятини такомиллаштириш;

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш учун маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши устидан тизимли мониторинг ва назорат ўрнатиш;

«Ўзгагротехсаноатҳолдинг» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар фаолиятини ўрганиш ва қишлоқ хўжалиги техникаси паркинни тўлиқ хатловдан ўтказиш ва ҳ.к.

Маъмурий ҳуқуқбузарлар базасига кўпроқ фуқаролар киритилади

Вазирлар Маҳкамасининг 3.05.2018 йилдаги «Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 322-сон қарори эълон қилинди.

Эслатиб ўтамиз, мамлакатимизда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар тўғрисида маълумотлар киритилган ягона марказлаштирилган тизим (маълумотлар базаси) мавжуд. У қуйидагилар учун зарур:

а) тақроран содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун янада қатъий жазо қўллаш.

Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-1-моддасига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузганлик учун 5 ЭКИХдан 10 ЭКИХгача миқдорда жарима солинади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса – 10 ЭКИХдан 15 ЭКИХгача;

б) маъмурий ҳуқуқбузарлик тақроран содир этилганда жиноий жавобгарликка тортиш.

Масалан, била туриб, гайриқонуний равишда ишдан бўшатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, Жиноят кодексининг 148-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка олиб келади – 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади;

в) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси учун. Чунотчи, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддасига мувофиқ муайян маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар профилактик ҳисобга олинади;

г) маҳкумлар билан боғлиқ айрим масалаларни ҳал этиш ва бошқа мақсадлар учун.

Масалан, агар маҳкум озодлиқдан маҳрум қилиш ҳазосини ўтаб бўлганидан кейин унга нисбатан маъмурий жазо чораси қўлланилган бўлса, ундан судланганлиқни олиб ташлаш рад этилади (Жиноят кодексининг 79-моддаси).

Ушбу ҳисобга олиш тизими кенгайтирилди ва такомиллаштирилди.

Биринчидан, энди нафақат маъмурий жазо чоралари қўлланган шахслар, балки ваколатли органлар уларга нисбатан огоҳлантириш билан чекланган шахслар ҳам (МЖТКнинг 21-моддаси) ҳисобга олинади. Бундан ташқари, қуйидаги шахслар ҳам ҳисобга олинади:

➤ жавобгарликка тортишнинг даъво муддати ўтиб кетганлиги сабабли маъмурий жазо қўлланмаган (МЖТКнинг 36-моддаси ва 271-моддаси 7-банди);

➤ ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари бартараф этилган тақдирда шахсни жавобгарликдан озод этиш МЖТКнинг тегишли моддасида назарда тутилганлиги муносабати билан маъмурий жазодан озод қилинган (МЖТКнинг 271-моддаси 10-банди);

➤ иқтисодий ҳуқуқбузарлиқни биринчи марта содир этган, бироқ ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан 30 кунлик муддатда йўл қўйилган бузилишларни ихтиёрий равишда бартараф этган ва (ёки) етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар бўлса.

Иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликдан жабрланувчилар ҳам рўйхатдан ўтказилади. Бу ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси учун зарур

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техника-ни ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Қукаламзорлаштириш, экиш, дизайн. Қўчатлар: барги тўкиладиган, игнабарли, мевали. Тўлов исталган шаклда. Тел. (+998 90) 317-33-45, факс (+998 71) 262-48-16.

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
1-2, 7-бетлар
- **ПЕНСИЯ ИШИ**
– Пенсия ёшидаги офицерлар
– Ижтимоий ҳимоя: ўзгариш вақти келди
– Пенсиядан кейин ишлаганда
– Кичик стаж ва сугурта бадаллари

- Маълумотнома керак эмас
- Асосий талаб
- Судгами ёки Пенсия жамғармасига?
- Ҳаммаси назорат остида
- Иш ҳақи бор бўлса, пенсия ҳам тўланади
- Қонун бўйича ворислар
- Ижтимоий кўмак

- Жазо чораси қўлланмайдиган жавобгарлик
- Имтиёз эгаларининг рўйхати
3-6-бетлар
- **ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР**
– Жамоа шартномасига мувофиқ тўловлар

- Янги гувоҳномада янги манзил
7-бет
- **АВТОНОРМА**
– Жаримани бекор қилиш мумкин
– Устуворлик берувчи маёқча
– Кундузи чироқ ёқиб
– Кимга бўйсуниб керак
8-бет

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Ушбу сонни ўқиб чиқишни ҳаммага тавсия этамиз, чунки унда ўқувчиларнинг саволларига жавоблардан ташқари, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ҳаётида акс этадиган ҳужжат тақдим этилган. Унда давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ҳақида сўз борган. Бунда тақлиф этилаётган ўзгартиришлар муҳокамасида ҳар бир фуқаро иштирок этиши мумкин.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг gazeta@norma.uz ва ntv@norma.uz электрон манзилларига йўлланг.

Қонунчиликдаги янгилик

Пенсия ёшидаги офицерлар

18.04.2018 йилдаги ЎРҚ-476-сон Қонун билан «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонунларга ўзгартишлар киритилди.

Кичик офицерлар (лейтенант, катта лейтенант, капитан, капитан-лейтенант) учун хизмат ёшининг чегараси 43 ёшдан 45 ёшга оширилди (яъни 2 йилга). Энди у оддий аскарлар (матрослар) ва сержантлар (старшиналар) учун белгиланган ёш чегараси билан бир хил бўлди.

Барча катта офицерлар (майор, подполковник, полковник, 3, 2 ва 1-даражадаги капитанлар) учун пенсия ёши 50 ёшни ташкил этади. Илгари майорлар, подполковниклар ҳамда 3 ва 2-даражадаги капитанлар 45 ёшда пенсияга

чиқар эдилар. Энди бу 5 йил кейинга кўчирилди.

Генераллар таркибидагиларнинг энг юқори ёши аввалгидек қолди – 60 ёшгача.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 19.04.2018 йилда эълон қилинган ва тузатишлар 20.10.2018 йилдан кучга киради.

Самир Латипов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Маълумот учун!

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олувчиларга пенсия иш жойи бўйича 50% миқдорда ТўЛАНАДИ (тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган пенсионерлардан ташқари).

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

Бугунги сонда:

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ:
ЎЗГАРИШ ВАҚТИ
КЕЛДИ

Норматив-ҳуқуқий
ҳужжат билан
таништирамиз

2

КИЧИК СТАЖ ВА
СУҒУРТА БАДАЛЛАРИ
Сутчи хола пенсия
оладими?

4

ЖАЗО ЧОРАСИ
ҚўЛЛАНМАЙДИГАН
ЖАВОБГАРЛИК

Содир бўлмаслиги
мумкин бўлган
вазият

7

ИМТИЁЗ
ЭГАЛАРИНИНГ
РЎЙХАТИ

Бунди билган
маъқул

8

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

НХХ лойиҳаси билан таништирамиз

Ижтимоий ҳимоя: ЎЗГАРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Ўзбекистон Пенсия жамғармаси сайтида (pf.ru.uz) Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳаси эълон қилинди. Хужжатда тақдим этилган янги нормалар ижтимоий сугурта тизимидаги ислохотларга, пенсионерларнинг таъминот даражасини оширишга асос бўлади*.

Давлат пенсия таъминоти тизими 3,3 млн нафардан ортиқ фуқарони ёки мамлакатимиз аҳолисининг тахминан 10%ини қамраб олади. Ёшга доир пенсияни 2 502,6 минг киши, ногиронлик бўйича — 360,3 минг, боқувчисини йўқотганлик учун — 168,5 минг, ижтимоий нафақаларни — 294,1 минг киши олади.

Сўнгги вақтда ушбу соҳада умумқабул қилинган пенсия сугуртаси принциплари жорий этилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар юз берди. Сугурта бадаллари ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақи тарихи бўйича ягона база шакллантирилди, пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган иш ҳақини ҳозирги даврга мувофиқлаштириш механизми жорий этилди, ҳисобланган сугурта бадаллари ни алоҳида ҳисобга олиш тизими белгиланди.

Бироқ ижтимоий жиҳатдан муносиб пенсия даражасига эришиш бўйича реал қора-тадбирлар ҳали белгиланмаган. Етарлича юқори иш ҳақи ва катта стажга эга бўлган фуқаролар ҳисобига сугурталанмаган тусдаги пенсиялар тўланмоқда, пенсия таъминотида доир асосланмаган имтиёзлар ҳанузгача амал қилмоқда, пенсия миқдори билан сугурта бадалли қатъий боғланмаган.

Сўнгги йилларда мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолиси зиммасидаги пенсия тўловлари юки ортмоқда. 2018–2025 йиллар даврида аҳоли демографик прогнози маълумотларига кўра пенсия ёшидаги аҳоли улуши ошиши кутилмоқда (1,2 млн кишига), бу, тегишinchа, Пенсия жамғармаси харажатлари муносоиб равишда ошишига олиб келади.

Мамлакат аҳолиси қариши демографик омили кўрсаткичининг далолат беришича, пенсия ёшидаги шахслар кўпайиши таъминоти мавжуд (аҳоли умумий сонига нисбатан 2010 йилдаги 5,9%дан 2018 йилда 7,4%гача). Статистика органларининг маълумотларига кўра, 2019 йилдан бошлаб пенсия ёшидаги шахслар сони 9%лик даражадан ошади ва 2025 йилга келиб 11%га етади (2011 йилдаги 6,2%га нисбатан).

Ўтказилган таҳлилга кўра жаҳондаги эркаклар ва аёлларнинг ўртача пенсия ёши 62 ёшни ташкил этади, айни пайтда Ўзбекистонда у 57,5 ёшга тенг (аёллар

учун — 55 ёш ва эркаклар учун — 60 ёш). Марказий Осиё мамлакатларида, масалан, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда эркаклар — 63 ёшда, аёллар эса 58 ёшда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлишлари белгиланган. Қозоғистонда аёлларнинг пенсия ёши уни ҳар йили 6 ойга босқичма-босқич оширган ҳолда 63 ёшга етказилади. Туркменистонда пенсия ёши эркаклар учун 62 ёшни ва аёллар учун 57 ёшни ташкил этади.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) маълумотларига кўра фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими барқарор ривожланиши учун бадалларни тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга нисбати 1:4 даражасида бўлиши керак. Бироқ бугунги кунда Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич ўртача 1:5 га тенг. Пенсионерлар сонининг ишловчи аҳолига нисбати 2009 йилдаги 61%дан 2017 йилда 66%гача ошди.

Имтиёзли пенсияларни тўлашга катта сумма сарфланади. Уларнинг улуши 592,4 мингтани ёки барча турдаги пенсияларнинг 19,5%ини ва ёшга доир пенсиялар сонига 23,7%ни ташкил этади. Ҳар йили ўрта ҳисобда 39,8 мингдан ортиқ имтиёзли пенсия тайинланади.

Пенсия миқдори билан ходимнинг меҳнат улуши қатъий боғланмаган. Амалдаги пенсия таъминоти тизимида каммида 7 йиллик иш стажига эга бўлган шахсларга пенсия тайинланиши назарда тутилган.

ХМТнинг «Ижтимоий таъминотнинг минимал нормалари тўғрисида»ги 102-сон Конвенциясига мувофиқ ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган энг кам стаж 15 йилни ташкил этади. Жаҳоннинг кўп мамлакатларида, шу жумладан МДҲ мамлакатларида талаб этиладиган энг кам стаж 10–15 йил даражасига етказилган.

7 йиллик иш стажига тарздаги энг кам талабларнинг мавжудлиги фуқароларнинг давлат ижтимоий сугурта тизимидаги иштирокида салбий акс этади. Масалан, айни пайтда ўртача иш ҳақи олган, 30 йиллик иш стажига эга бўлган эркак (25 йиллик стаж талаб этилганда) билан 10 йил ишлаган эркакнинг (энг кам стаж 7 йил бўлиши талаб этилганда) пенсия миқдори фарқи атиги 200 минг сўмни ташкил этади.

*Лойиҳанинг тўлиқ матни билан сайтда (pf.ru.uz) танишиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепциясининг ишлаб чиқилган лойиҳаси юзасидан фикр билдиришини эълон қилди.

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Ходимларни ижтимоий сугурта тизимида узоқ ва узлуксиз иштирок этишга рағбатлантириш тусидаги заиф механизмлар уларни сугурта бадалларини тўлашдан бўйин товланишнинг янги усулларини излашга мажбур қилади.

Буларнинг бари пенсия таъминоти соҳасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг асосий йўналишларини қайта қўриб чиқишни талаб этади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепциясида белгиланган вазифаларни комплекс ҳал этиш йўллари тақдим этилган. У барча соҳалардаги ҳаракатлар стратегиясини белгилайди.

Пенсия таъминотида доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш соҳасида янги тахрирдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги Қонунни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, унда кўпроқ тўғридан-тўғри амал қилувчи нормаларни, замонавий АКТдан фойдаланган ҳолда пенсияларни ҳисоблаб чиқаришнинг соддалаштирилган ва шаффоф механизмларини, шунингдек аниқ рағбатлантирувчи тусга эга, шу жумладан жамғариб бориладиган механизмларни назарда тутиш, асоссиз имтиёзлар бериш ва қўшимча тўловларни тўлаш амалиётига барҳам бериш режалаштирилмоқда.

Пенсия таъминоти тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши навбат қутишга ва, оқибатда порахўрлик ва қозғозбозлик далиллари юзга келишига олиб келувчи қозғозли ҳужжатлар айланиши стереотипига чек қўйиш имконини берувчи «Пенсия» дастурий комплексини модернизациялашни назарда тутди. Пенсияни ҳисоблаб чиқаришда 2015 йилдан буён шакллантирилаётган фуқароларнинг сугурта бадаллари ҳисобланишига оид алоҳида ҳисоб маълумотлари база сифатида қабул қилинади.

Пенсия таъминоти тизимининг ижтимоий жиҳатдан адолатлилиги ва самарадорлигини оширишга қуйидагилар орқали эришиш мумкин:

➤ барча ишловчи пенсионерларга тўлиқ миқдорда пенсия олиш ҳуқуқини бериш;

➤ кексалар ва ногиронлар интернатларида (пансионатларида) яшовчи ёлғиз пенсионерларга тўланадиган пенсия миқдорини ошириш;

➤ III гуруҳ ногиронлигига эга шахсларга қатъий белгиланган миқдорлардаги нафақаларни жорий этиш.

Рағбатлантирувчи тусга эга механизмларни жорий

этиш ҳамда пенсия миқдори билан ходимнинг меҳнат улуши ўртасидаги алоқани кучайтириш соҳасида қуйидагилар мўлжалланган:

➤ 35 йилдан ортиқ иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсия миқдори ўртача ойлик иш ҳақининг 2%ига оширилишини назарда тутиш;

➤ 54 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган, бироқ умумбелгиланган ёшдан кейин пенсияни расмийлаштирган аёлларнинг пенсияларига устамаларни белгилаш;

➤ пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини пенсия таъминладиган санада қонун ҳужжатлари билан белгиланган ЭКИХнинг 8 бараваридан 12 бараваригача ошириш.

Юқорида кўрсатилган чора-тадбирлар меҳнат фаолиятини давом эттиришни рағбатлантириш ва сугурта бадаллари тўланадиган даврда фуқароларнинг кўпроқ иш ҳақи олишига қаратилган. Евроиттифок мамлакатлари, АҚШ, Беларусь, Украина, Молдова ва бошқаларнинг қонунчилигида шунга ўхшаш нормалар назарда тутилган.

Ижтимоий сугурталаш тизимида ихтиёрий иштирок этишни таъминловчи рағбатлантириш тусига эга чора-тадбирларнинг қўлланиши қуйидаги ҳуқуқлар берилишини назарда тутди:

➤ пенсия ёшига етган, бироқ зарур иш стажига эга бўлмаган фуқароларга давлат пенсияларини ҳисоблашда стажнинг ҳар бир етишмаётган ойи учун Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари суммасини бир марта тўлаш (1.04.2018 йилдаги ҳолатга кўра янги таъинланган пенсияларнинг қарийб 55%и тўлиқсиз иш стажига эга пенсияларга тўғри келади);

➤ ишловчи эр-хотинларга меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларидан ишламайдиган эрлари (хотинлари) учун Пенсия жамғармасига қўшимча сугурта бадалларини ихтиёрий равишда тўлаш. (Эр-хотинларнинг ишламайдиган турмуш ўртолқлари учун сугурта бадалларини ихтиёрий равишда тўлаш тизими жаҳоннинг қўллаб-мамлakatларида назарда тутилган, масалан, Японияда мазкур тизим мажбурий тусга эга, Швеция ва Буюк Британияда шунга ўхшаш тизим назарда тутилган).

Авлодлар молиявий иштирокининг эквивалентлигини таъминлаш соҳасида қуйидагилар режалаштирилмоқда:

➤ ёшга доир пенсия таъинлаш учун талаб этиладиган энг кам стажни (7 йил) ошириш (ХМТнинг «Ижтимоий таъминотнинг минимал нормалари тўғрисида»ги 102-сон Конвенциясига мувофиқ ёшга доир пенсия таъинлаш учун талаб этиладиган энг кам стаж 15 йил этиб белгиланган. Жаҳоннинг қўллаб-мамлakatларида, шу жумладан МДХ мамлакатларида у 10–15 йил даражасига етказилган);

➤ пенсия ёшини жаҳондаги ўртача даражага етказиш мақсадида босқичма-босқич ошириш.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Расмий жавоб

Пенсиядан кейин ишлаганда

? Пенсиямни ҳисоблаётганда 30 йилдан ортиқ иш стажимдан 17 йилини чиқариб ташладилар. Мен ишлаган фирмалар тугатилиб, ҳужжатларни архивга топширмаганликлари сабабли бу йиллар архив маълумотномалари билан тасдиқланмади. Менга жуда кам пенсия ҳисобладилар.

Ҳозир пенсиядан воз кечиб, зарур стажга эга бўлиш учун ишласам бўладими?

А.К. Тошкент ш.

— Афсуски, йўқ. Ёшга доир пенсия умрбод тайинланади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 47-моддаси 1-қисми «а» банди).

Ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди (Қонуннинг 37-моддаси 5-қисми).

Мурожаатингизда айтилган қайси давр иш стажига ҳисобланмаганини кўрсатмаганиз. Агар бу ишлаган вақтингиз 2005 йилдан кейинги даврга

тўғри келса, Халқ банкида очилган ШЖБПХга келиб тушган мажбурий бадалларга асосланиб иш стаж ва иш ҳақингизни тасдиқлаш имконига эга бўласиз.

Чунончи, иш ҳақи тўғрисида архив маълумотлари мавжуд бўлмаганда, унинг миқдорини аниқлаш 2005 йилдан кейинги давр учун жамғарилиб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек 2015 йилдан кейинги давр учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган

фуқароларнинг сугурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан келиб чиқиб амалга оширилади (Низомнинг 85-банди, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова).

Шу билан бирга Пенсия жамғармаси бўлими томонидан чиқарилган иш стажини ҳисоблашда айрим даврларни қабул қилмаслик тўғрисидаги қарор устидан суд тартибда шикоят қилишга ҳақлисиз (Низомнинг 82-банди).

Кичик стаж ва сугурта бадаллари

? Холам ишловда яшайди. Хўжаликлариди қорамол боқадилар. Улар сут ва сут маҳсулотларини сотадилар.

Бундай ходимларга пенсия тўланадими?

Бунинг учун у қаярга мурожаат қилиши ва қандай ҳужжатларни тақдим этиши зарур?

Мунира К. Тошкент ш.

— Пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлиш учун Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида 7 йил иш стажига эга бўлиш ва уни тасдиқлаш зарур (Қонуннинг 8-моддаси). Қуйидагилар иш стажига қўшиб ҳисобланади:

а) фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сугурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган бўлса;

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги органларида ва ички ишлар органларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа органлари ва тоғ-кон-қутқарув қисмларидаги хизмат;

г) яқка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан яқка (гуруҳли) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи,

деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланган тақдирда.

Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланганлиги пенсия олиш ҳуқуқини белгилловчи асосий омил ҳисобланади. Иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари давлат пенсиялари олиш ҳуқуқига эга эмаслар (Қонуннинг 1-моддаси 4-қисми).

Шахсий ёрдамчи хўжаликларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган, шунингдек шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини (деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик маҳсулотлари) етиштириш билан банд бўлганлар ҳамда деҳқон хўжалиги аъзолари учун сугурта бадалларини тўлаш тартиби Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари

Мавзுவий сонни Алла Ромашко олиб боради.

томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги **низомида** (ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-илова) белгиланган.

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда ту-

зилган деҳқон ҳўжаликларининг аъзолари сугурта бадалларини йилига ЭКИХнинг 4,5 бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. Бир йил учун белгиланган миқдордаги сугурта бадаллари тўланган бўлса, бу йил деҳқон ҳўжалиги аъзосининг меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинади (*Солиқ кодексининг 311-моддаси*).

Белгиланган сугурта бадалларини тўлаш учун солиқ органларига мурожаат қилиш лозим.

Маълумотнома керак эмас

? *Мен ижодий ходимман, бироқ 2000 йил бошидан бери ижодий уюшма аъзоси ҳисобланмайман. Ижодий уюшмадаги стажимни тасдиқлайдиган маълумотнома керак бўладими?*

Ғолиб Р. Тошкент ш.

– Ижодий фаолият билан машғул бўлган ижодий уюшмалар аъзоларига 1991 йил 1 январгача иш стажини, агар ана шу муаллифнинг асари биринчи марта эълон қилинган ёки жамоат олдига ижро этилган (намоиш этилган) кундан эътиборан, **1991 йил 1 январдан бош-**

лаб эса – улар фақат Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган бўлсалар, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари томонидан белгиланади (*252-сон Низомнинг 35-банди*).

Асосий талаб

? *Махсус стаж нима эканлиги ва унинг маъжудлигини қандай ҳужжат тасдиқлашини тушунтириб берсангиз.*

Л.Рейс. Тошкент ш.

– Умумбелгиланган пенсияга чиқиш ёшини камайтирган ҳолда имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини белгилашда «**махсус иш стажини**» атамасидан фойдаланилади.

Бундай иш стажини Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатлари (ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган) бўйича белгиланади.

У меҳнат шартлари бўйича иш жойларини аттестациялаш натижаларига кўра (уни махсус аккредитацияланган

ташкilotлар ўтказди), ташкilotларнинг аниқлаштирувчи маълумотномалари асосида, шунингдек кўрсатилган ишларда тўлиқ иш кўни давомиди банд бўлганда белгиланади.

Тўлиқ иш кўни давомиди бандлик деганда Рўйхатларда кўзда тутилган ишларни тегишли ишлаб чиқариш тармоқларида, иш вақти аттестациясига мос келувчи шартларда, қонунчилик билан белгиланган иш вақтининг камида 80%и билан банд бўлиш тушунилади (*АВ томонидан 12.03.2012 йилда 2337-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 7-банди*).

Судгами ёки Пенсия жамғармасига?

? *Эшитишимча, илгари судда кўриладиган гувоҳларнинг кўрсатмалари билан стажни тасдиқлаш бўйича низоли масалалар энди Пенсия жамғармаси комиссияси томонидан кўрилайётган экан. Шу тўғрими?*

А.Санеева.

– Аризачи Пенсия жамғармаси бўлими томонидан чиқарилган иш стажини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги қарор билан рози бўлмаган тақдирда, у (маъмурий) судга мурожаат қилишга ҳақли (*252-сон Низомнинг 82-банди*).

Иш стажини тўғрисидаги тақдим этилган ҳужжатларнинг асосланганлиги ва ишончлилигини аниқлаш мақсадида Пенсия жамғармаси бўлими:

иш стажини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг мазмунини ва зарур тарзда расмийлашти-

рилганлигини баҳолайди ҳамда зарурат бўлганда улар берилишининг асосланганлигини текшириш тўғрисида қарор қабул қилади;

зарур ҳолларда меҳнат фаолиятининг айрим даврларини иш стажини даврига ҳисобга олиш ёки ҳисобдан чиқариб ташлаш тўғрисида қарор чиқаради (*252-сон Низомнинг 57-банди*).

Текширишга зарурат туғилганда Пенсия жамғармаси бўлими гувоҳларни жалб этган ҳолда стажини тасдиқлаш масаласини кўриб чиқиши мумкин.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Ҳаммаси назорат остида

? *Якка тартибдаги тадбиркор тўлаган сугурта бадаллари ҳисобини ким юритади?*

А.Р. Тошкент ш.

– 2018 йилдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркор тўлаган сугурта бадаллари ҳисобини солиқ органлари юритмоқдалар. Доимий яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимлари якка тартибдаги тадбиркор тўлаган сугурта бадаллари ҳисобини 2018 йилгача юритганлар (ВМнинг 4.07.2017 йилдаги 462-сон қарори).

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўланишини ҳисобга олиш дафтарчаси, банк қвитанциялари ва тўлов ҳужжатларининг асл нусхалари тўловчининг 2018 йилгача уларни тўлаганлигини тасдиқловчи асосий ҳужжатлар ҳисобланади. 2018 йилдан

бошлаб – фақат улар тўланганлигини тасдиқловчи банк қвитанциялари ва тўлов ҳужжатларининг асл нусхалари.

Иш стажига сугурта бадаллари тўланган даврлар киритилади. Уни ҳисоблаб чиқишда, агар тўланган бадаллар суммаси ушбу йилнинг барча ойлари учун белгиланган энг кам сугурта бадалларидан кам бўлмаса (тўланган пеняларни ҳисобга олмаган ҳолда), иш стажига календарь йил қўшилади.

Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўлаш далили гувоҳлар кўрсатмалари билан тасдиқланмайди (46-сон Низом).

Иш ҳақи бор бўлса, пенсия ҳам тўланади

? *ХК директори – II гуруҳ ногирони, пенсияни маҳалладан олади. Пенсия жамғармаси ходимларининг айтишича, у иш жойидан пенсия олиши керак. У пенсияни маҳалладан олишда давом этишга ҳақлими?*

Рўзиёв. Тошкент ш.

– Йўқ, ҳақли эмас. Ишлаб турган пенсионерларга пенсиялар уларнинг иш жойида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади (Қонуннинг 53-моддаси).

Бундан ташқари, пенсияларни яшаш жойига етказиб

бериш учун Пенсия жамғармаси етказиб берилган пенсия суммасининг 0,9%ини қўшимча сарфлайди. Ишловчи пенсионерларга пенсия бериш харажатлари эса иш берувчининг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Қонун бўйича ворислар

Яқинда опамнинг турмуш ўртоғи вафот этди. Унинг ёши 55 да эди. Опам унинг ШЖБПҚдаги жамғармаларини олиши мумкинми? Агар мумкин бўлса, қандай қилиб?

Ақромов. Тошкент ш.

– Ҳа, мумкин. Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади («Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 17, 20-моддалари).

Мерос қолдирувчининг қариндошлари ва қарамоғидагилар қонун бўйича ворислар бўлиши мумкин. Мерос очилганидан кейин мерос олиш жараёни бошланади. Фуқаро вафот этган кун у очилган кун деб ҳисобланади. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан 6 ой ўтганидан кейин берилади.

Зафаржон Хўжаев,

ЎзР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи.

Маъзуевий сонни Алла Ромашко олиб боради.



Бизга мактуб йўллабсиз

Ижтимоий кўмак



Стажи кам ёки умуман бўлмаган кекса кишилар пенсия оладими?

– Йўқ, олмайди, сабаби стажга ёки етарли стажга эга бўлмаган қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар фақат нафақа олишга ҳақли бўлади.

У ҳам пенсия сингари:

➤ ёшга доир;

➤ ногиронлик бўйича (бопалиқдан ногиронлардан ташқари);

➤ боқувчисини йўқотганлик учун тайинланади.

Нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган

шахслар уни олиш ҳуқуқи пайдо бўлгандан сўнг бирор-бир муддат билан чеклашсиз, исталган вақтда унинг тайинланиши учун мурожаат қилишлари мумкин.

Чунончи, эркаклар – 65 ёшга етганларида, аёллар – 60 ёшга етганларида ёшга доир нафақа сўраб мурожаат қилишлари мумкин.

Иш стажига эга бўлмаган шахсларга нафақа меҳнатга лаёқатли вояга етган фарзандлари, қариндошлари ёки Оила

кодексига мувофиқ уларни таъминлашга мажбур бўлган бошқа шахслар бўлмаган тақдирда тайинланади.

Пенсия жамғармаси бўлими томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ўтказилган текширишда қариндошларининг моддий очорлиги аниқланган ҳолларда ёшга доир нафақа тайинланиши мумкин (ВМнинг 7.04.2011 йилдаги 107-сон қарори билан тасдиқланган Низом).

Иброҳимова. Чирчиқ ш.

Вазият

Жазо чораси қўлланмайдиган жавобгарлик

Тахририятимизга турли саволлар ва муаммолар билан мурожаат қиладилар. Бироқ уларнинг айримлари, агар ҳар бир ходим ёши ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, ҳуқуқий жиҳатдан саводхон бўлганида умуман юзага келмаслиги мумкин эди. ЎзР МВ ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсияларни тайинлаш ва фуқароларнинг мурожаатларини куриб чиқиш услубияти бўлими бошлиғи Зафаржон Хўжаевдан вазиятлардан бирини шарҳлаб беришини илтимос қилдик.

ВАЗИЯТ. Корхона пенсионерни ишга қабул қилиб, у билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузиб, бу ҳақда Пенсия жамғармасига хабар бермаган. Шартномани тузиш пайтида маъмурият Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низом билан таниш бўлмаган эмиш (шартнома 2 йил аввал тузилган). Пенсионер ишда тўловларни ва яшаш жойи бўйича тўлиқ ҳажмдаги пенсияни олган.

Пенсионерни ишга қабул қилганлик тўғрисида Пенсия жамғармаси бўлимини ўз вақтида хабардор қилмаганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган? ПЖга ҳужжатларни тақдим этиш мажбурияти қайси хизмат (кадрлар бўлими, бухгалтерия, юрист) зиммасига юклатилган?

Сабоҳат Н.

– Бугунги кунда пенсионерни ишга қабул қилганлик (фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузганлик) тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаслик натижасида ортиқча пенсия тўлаш оқибатида давлатга етказилган зарар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ташкилот ёки пенсионерга нисбатан жазо чоралари назарда тутилмаган.

Айни пайтда пенсионернинг ишга қабул қилинганлиги тўғрисида Пенсия жамғармасига ўз вақтида хабар

бермаганлик бўйича жавобгарлик ташкилот раҳбари зиммасига юкланади (АВ томонидан 30.04.2011 йилда 2222-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 19-банди).

Пенсия ёшидаги ходимни меҳнат ёки фуқаролик шартномаси бўйича ишга қабул қилаётганда раҳбар бундай ҳолларда пенсионер ишловчи мақомига эга бўлиши ва унга иш жойидан пенсия ўтган ой учун ойлик иш ҳақининг иккинчи қисми тўловлари билан бир вақтда тўланишини били-



ши керак. Бунинг учун пенсионернинг яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлими томонидан бериладиган Ф-25 топшириқномаси асос бўлиб ҳисоб-

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

ланади (*Низомнинг 9-банди*). Бирок аввал пенсионер ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма ва шартнома нусхасини тақдим этиши лозим, улар унинг пенсия йғмажилдига тикиб қўйилади. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ҳам Пенсия жамғармаси бўлимига ишдан бўшаганлик тўғрисидаги буйруқ тартиб рақами ва санаси (фуқаролик-хуқуқий шартнома бекор бўлишининг сабаби) кўрсатилган топшириқнома,

шунингдек меҳнат шартномасининг бекор бўлганлиги тўғрисидаги буйруқ кўчирмаси (фуқаролик-хуқуқий шартноманинг нусхаси) тақдим этилади (*Низомнинг 17-банди*).

Пенсионер ишга қабул қилинганлиги тўғрисида Пенсия жамғармасини қайси хизмат хабардор қилиши кераклиги масаласини иш берувчи ҳал қилади. Тажрибанинг кўрсатишича, бу вазифани одатда бухгалтерия ходимлари бажарадилар.

Ишловчи пенсионер пенсияни тўлиқ миқдорда олганлиги сабабли Пенсия жамғармасининг ортқча тўловларини қоплашга тўғри келади.

Уларни пенсионернинг ўзи ёки корхона, ёхуд пенсионер билан корхона солидар тартибда қоплаши мумкин. Қарзни қоплаш мажбурияти пенсионернинг ўзи ёки корхонага, шунингдек хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки суд органларининг қарорларига боғлиқ.

Буни билган маъқул

Имтиёз эгаларининг рўйхати

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддасида иш стажининг имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланиши назарда тутилган.

Стажга қуйидагилар имтиёзли тарзда қўшиб ҳисобланади:

а) ҳаракатдаги армия таркибига кирувчи ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасалардаги, жанговар ҳаракатлар даврида партизан отрядлари ва қўшилмаларидаги хизмат ва эркин ёлланганлар таркибидagi иш, байналмилал бурчи бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этиш — **уч ҳисса баробарида**;

б) 1941–1945 йиллардаги уруш даврида мамлакат ичкарисида ишлаш, шу жумладан ҳарбий қисмлардаги эркин ёлланганлар таркибидagi иш ва «а» бандда назарда тутилган хизматдан ташқари ҳарбий хизмат — **икки ҳисса баробарида**;

в) Қонун 10-моддасининг «а» ва «б» бандларига ҳамда 11-моддасининг «а» бандига мувофиқ имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган — эркакларда 10 йилдан ортқ ва аёлларда 7 йилу 6 ойдан ортқ ишланган ҳар бир тўлиқ йил — **икки ҳисса баробарида**;

г) моховхоналарда, вабога қарши муассасаларда, иммунодефицит виру-

си билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасаларида ишлаш — **икки ҳисса баробарида**;

д) патологоанатомия муассасалари ва суд-тиббий экспертиза муассасаларининг тиббий ходимларидан айрим тоифаларининг иши — **бир ярим ҳисса баробарида**;

е) асосиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган, асосиз равишда қатагон қилинган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамоқда бўлиш ва ҳибсда сақлаш жойларида турган вақти — **бир ярим ҳисса баробарида**.

Бунда Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (*ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-илова*) 40-бандига мувофиқ пенсияга бўлган ҳуқуқни белгилашда иш стажини имтиёзли тарзда қўшиб ҳисоблаш қоидаларини қўлламадан аниқланади. Яъни аввал пенсия олиш ҳуқуқини берувчи махсус стаж белгиланади, кейин эса мазкур фуқаро пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлганда иш стажини имтиёзли тарзда қўшиб ҳисоблаб аниқланади.



*Тоғ-кон саноати ходимлари, шунингдек ер ости ишларида, ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитига эга ишларда банд бўлганлар муайян иш стажини мавжуд бўлганда имтиёз эгаларининг ушбу тоифасига қиради (*ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган 1, 2-сон рўйхатлар*).

Маълумот учун!

Пенсионернинг **ТАНЛОВИ** бўйича унга пенсия ёки нафақа **БИР НЕЧТА ТЎЛОВ ШАКЛИДАН** (пластик карточка, банк омонат счёти, нақд пул) фойдаланган ҳолда тўланиши мумкин.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Ижтимоий дорихоналарни ташкил этиш механизми тасдиқланди

Вазирлар Маҳкамасининг 3.05.2018 йилдаги 334-сон қарори билан Ижтимоий дорихона фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, аввал мазкур ҳужжат лойиҳаси шарҳини эълон қилган эдик. Масаланинг тарихи ва мазмуни билан ҳавола орқали ўтиб танишишингиз мумкин.

Лойиҳа билан солиштирганда ижтимоий дорихона жойлашиш жойини белгилаш тартиби ўзгармаган. Фақат қишлоқ жойларда тавсия этиладиган хизмат кўрсатиш радиуси қисқартирилган. У 5–10 км ни ташкил этган (лойиҳада – 10–15 км). Шаҳарларда бу кўрсаткич 2–3 км ни ташкил этади.

Ижтимоий дорихоналар ишига қўйиладиган асосий

таалабларга тузатиш киритилган. Хусусан, ижтимоий дорихонанинг қуйидаги мажбуриятлари қайд этилган:

а) Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатига киритилган номланишларнинг 2 ойлик захирасига эга бўлиш ҳамда уларни чекланган нархлардан ошмайдиган нархларда бериш;

б) айрим тоифадаги шахсларни дори воситалари билан имтиёзли асосда таъминлаш (масалан, амбулатор даволашда);

в) қолган («а» ва «б» бандларда кўрсатилмаган) по-

зициялар бўйича давлат-хусусий шериклик шартлари-га мувофиқ чекланган савдо устамаларини қўллаш.

Ижтимоий дорихонани ташкил этиш учун номзод – хусусий шерикни танлаш мезонлари ўзгармади. Номзод танловда иштирок этиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий сайтига ўз аризасини жойлаштириши лозим. У вазирлиқнинг махсус комиссияси томонидан 10 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қўриб чиқилади. Номзод йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга. Қабул қилинган қарор тўғрисида уни 3 кун (лойиҳа бўйича – 5 иш кун) ичида хабардор қиладилар.

Шунингдек Давлат-хусусий шериклик тўғрисида намунавий шартнома тасдиқланди. У танловдан ўтган номзод (хусусий шерик) билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги (давлат томонидан шерик) ўртасида тузилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 4.05.2018 йилдан кучга кирди.

НОРМАТИВ ЛОЙИҲА

Божхона йиғимларини мақбуллаштириш таклиф этилди

ҚҲТБТ порталида тегишли лойиҳа жойлаштирилган. Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамасининг 30.04.1999 йилдаги 204-сон қарори билан тасдиқланган божхона йиғимлари ставкалари амал қилади. Лойиҳани ишлаб чикувчи – Давлат божхона қўмитаси йиғимлар сони, уларнинг миқдорлари, айрим ҳолларда эса уларни ҳисоблаб чиқариш тартибига ҳам жиддий ўзгартириш киритишни таклиф этмоқда.

Божхона йиғимлари ундирилаётган хатти-ҳаракатлар анча қисқартирилиши мумкин. Хусусан, қуйидаги йиғим турларини чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда:

➤ товарларни таснифлаш бўйича дастлабки қарор қабул қилганлик учун (50 евро);

➤ божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисга малака аттестати берганлик учун (150 евро);

➤ божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис малака аттестатининг амал қилишини қайта рўйхатдан ўтказганлик (амал қилишини узайтирганлик) учун (150 евро);

➤ божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис малака аттестатининг амал қилишини тиклаганлик учун (300 евро);

➤ товарларни божхона ҳудудида қайта ишлашга рухсатнома берганлик учун (150 евро);

➤ товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлашга рухсатнома берганлик учун (150 евро);

➤ божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни ўқитганлик учун (100 евро);

➤ ходим томонидан «экспорт» божхона режимига жойлаштирилаётган товарни белгиланган жойдан

ва (ёки) божхона органларининг иш вақтидан ташқарида божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун, битта ходимнинг бир соатлик иши ҳисобидан (ЭКИХнинг 5%);

➤ интеллектуал мулк объектларини Интеллектуал мулк объектлари божхона реестрига киритганлик учун (15 евро).

Бунда фақат 2 турдаги йиғим қўшимча равишда жорий этилади:

➤ ходим томонидан божхона органларининг иш вақтидан ташқарида товарларнинг божхона юк декларациясини божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун йиғим, битта ходимнинг бир соатлик иши ҳисобидан, («Экспорт» божхона режими бундан мустасно) иш вақтидан ташқари пайтларда (соат 18.00–9.00), дам олиш, байрам кунлари – 10 евро;

➤ автотранспорт воситасини махсус божхона пломбаси билан пломбалаганлик учун йиғим (1 та пломба учун) – 1 евро.

Бундан ташқари, айрим турдаги йиғимлар бўйича миқдор ва ҳисоблаб чиқариш тартибини ўзгартириш таклиф этилмоқда.

Божхона юк декларациясини

«Транзит» божхона режимда божхона расмийлаштирувидан ўтказиш

Ҳозир ҳар бир асосий варақ учун 10 евродан ва ҳар бир қўшимча варақ учун 5 евродан ундирилади. Бунинг ўрнига ягона йиғим – 10 евро таклиф этилмоқда. Бунда у БЮДнинг ҳар бир варағи ёки варақларнинг муайян тури (асосий/қўшимча) учун ундирилиши қайд этилмаган.

Божхона органи эгаси бўлган товарларни божхона омборида сақлаш

Дастлабки 60 сутка давомида ҳар бир тўлиқ/тўлиқ бўлмаган сутка учун – ЭКИХнинг 2%и миқдорида, кейинги кунлар учун эса ЭКИХнинг 3%и миқдорида ундириш таклиф этилмоқда.

Ҳозир: дастлабки 10 сутка давомида – божхона қийматининг 0,1%и, кейинги ҳар бир кун учун – божхона қийматининг 0,2%и.

Битта транспорт воситасини божхона томонидан қузатиб борганлик учун

Масофага қараб қуйидаги йиғим миқдорларини белгилаш таклиф этилмоқда:

- 50 км гача – 10 евро;
- 51 км дан 200 км гача – 50 евро;
- 200 км дан ортиқ – 100 евро.

Айни пайтда икки погонали шкала бўйича йиғим ундирилади: 200 км гача масофага – 50 евро, ундан ортиқ бўлса – 120 евро.

Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча кирити-лиши ёки рад этилиши мумкин.

Самир Латипов, Ленера Хикматова, Олег Заманов, «Norma» МЧЖ экспертлари.

ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

Жамоа шартномасига мувофиқ тўловлар

Ташкилотимиз бюджет ҳисобига молиялаштирилади. Жамоа шартномасида йўлқира учун компенсация тўланиши назарда тутилган. Барча турдаги транспортга йўл қарточкаси 120 минг сўм туради. Ташкилотимизда эса маблағлар чекланганлиги сабабли ходимларга йўлқира учун компенсация 80 минг сўм миқдорда тўланади (жамоа шартномасига мувофиқ).

Йўлқира учун компенсация йўл қарточкаси қийматидан кам миқдорда тўланиши тўғрими?

Е.Образкова, бухгалтер.

– Йўлқира учун компенсация жамоа шартномасида белгиланган миқдорда мувофиқ келиши керак.

Жамоа шартномаси – корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солишчи норматив ҳужжатдир (МКнинг 29-моддаси). **Мажбуриятлар олишнинг ихтиёрийлиги** жамоа шартномаси тузиш принципларидан бири ҳисобланади (МКнинг 30-моддаси). Яъни йўлқира учун компенсация жамоа

шартномасида белгиланган миқдорда тўланиши зарур.

Жамоа шартномасида назарда тутилган тўловлар ўзгартирилиши мумкин. Бунинг учун иш берувчи йўлқира учун компенсация тўлаш юзасидан жамоа шартномасига ўзгартиришлар лойиҳасини муҳокама қилиш ва лойиҳани келгусида тасдиқлаш мақсадида касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан биргаликда меҳнат жамоаси йиғилишини ташкил этиши керак (МКнинг 31-моддаси 4-қисми).

Фирмамиз ҳақиқий ва юридик манзилларга эга (бошқа туманга кўчялтириш). Давлат рўйхатидан ўтказилганлигимиз тўғрисидаги гувоҳномами алмаштириш зарурми?

Ю.Комарова, бош бухгалтер.

Янги гувоҳномада янги манзил

– Бу ҳолда давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳнома янгиланади.

Юридик шахснинг жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганда у албатта қайта рўйхатдан ўткази-лиши зарур (Низомнинг 21-банди, ВМнинг 9.02.2017 йилдаги 66-сон қарорига 1-илова).

Рўйхатдан ўтказувчи органининг масъул ходими почта манзили ўзгари-ши билан боғлиқ ҳужжатларни олиб:

➤ Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига тегишли ёзувларни қайд этган ҳолда қайта давлат рўйхатидан ўтказиш;

➤ тегишли шаклдаги рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани шакллантиради;

➤ рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани, таъсис ҳужжатларини электрон ҳужжатлар репозиторийида сақлайди (Низомнинг 16, 22, 39-бандлари).

Шу тариқа, корхона почта манзили ўзгарганда 10 кун ичи-да рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилиши керак. Зарур ҳужжатларни тақдим этганингиздан сўнг рўйхатдан ўтказилганлигингиз тўғрисида янги гувоҳномани оласиз.

Александр Лобанов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Жаримани бекор қилиш мумкин

Ташкилот автомобилни ижарага берган (ижара шартномаси нотариал тасдиқланган). ДИХХБдан ижарага берувчи номига ЙХҚни бузганлиги учун жарима тўлаш ҳақида хабарнома келди. Бироқ ижарага берувчи айти пайтда ушбу мол-мулкка эгалик қилмайди, сабаби уни ижарага берган.

Жаримани ким тўлаши керак – ижарага берувчиси ёки ижарага олувчиси?

Замира, бухгалтер.

– Жаримани автотранспорт воситасининг мулкдори (ижарага берувчи) тўлаши керак.

Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир (ФКнинг 164-моддаси).

Махсус автоматлаштирилган фото-ва видеоқайд этиш техника воситалари орқали ЙХҚ бузилганлиги қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка транспорт воситасининг мулкдори тортилади.

Юридик шахсга тегишли транспорт

воситасидан фойдаланиб содир этилган қоидабузарлик қайд этилган тақдирда, ундан фойдаланиш учун масъул бўлган шахс маъмурий жавобгарликка тортилади (МЖТКнинг 17-1-моддаси 1, 2-қисмлари).

Қуриб чиқилаётган ҳолатда жаримани автотранспорт воситасининг мулкдори (ижарага берувчи) тўлаши керак. Бироқ у ЙХҚни бузмаганлигини ҳисобга олган ҳолда масалани 2 хил йўл билан ҳал этиш мумкин.

1. Транспорт воситасининг мулкдори қуйидаги ҳолларда ўзига тегишли автомобилдан фойдаланиб содир этилган ЙХҚ учун маъмурий жавобгарликдан озод этилади:

➤ агар автомобилга ҳуқуқбузарлик қайд этилган пайтда эгалик қилган шахс аниқланса;



➤ мазкур транспорт воситаси бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари натижасида унинг эгалигидан чиқиб кетганлиги аниқланса (МЖТКнинг 17-1-моддаси 4-қисми).

Яъни автомобиль ижарага берилганлиги сабабли мулкдор жавобгарликдан озод қилиниши шарт. Бунинг учун у маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиши ва унда автотранспорт ижарага берилганлигини кўрсатиши лозим. Ши-

коятга ижара шартномаси нусхасини илова қилиш зарур.

2. Мулкдор ЙХҚ бузилганлиги учун жаримани тўлаши мумкин. Шундан сўнг у ижарага олувчига жарима тўлашга сарфлаган харажатларини қоплаш талаби билан ёзма равишда муурожаат қилишга ҳақли (ФКнинг 1001-моддаси).

Александр Лобанов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ЙХҚни ЁДГА ОЛАМИЗ

Устуворлик берувчи маёқча

Маёқчали автомобилларни кўп кўраман. Масалан, қизил ва кўк ёки сариқ ва зарғалдоқ ранглиларини. Бундай автомобиллар ўртасида қандай фарқ бор?

А.Р. Тошкент ш.

– Тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситалари кўк ёки кўк ва қизил рангли ялт-ялт этувчи чироқ-маёқчалар билан жиҳозланади.

Ялт-ялт этувчи кўк рангли ёки кўк ва қизил рангли чироқ-маёқчаси ва махсус товушли ишораси ёқилган машина яқинлашиб келаётган бўлса, пиёдалар қатнов қисмидан ўтмасликлари, унда ҳаракатланаётганлари эса, бу транспорт воситаларига йўл беришлари ва зудлик билан қатнов қисмини бўшатишлари керак.

Ҳайдовчилар эса уларга тўсиқсиз ўтиб кетишлари учун йўл беришлари шарт (ЙХҚнинг 25, 26-бандлари, ВМнинг 24.12.2015 йилдаги 370-сон қарорига 1-илова).

Зарғалдоқ ёки сариқ рангли милтиқловчи чироқ-маёқча:

➤ йўлда қурилиш, таъмирлаш ёки тозалаш ишлари олиб борилаётганда;



➤ техник шикастланган, носоз бўлган ва бошқа транспорт воситаларини қонунда кўзда тутилган ҳолларда ортишда, ташишда;

➤ йўл ҳаракатида қатнашаётган, габарит ўлчамлари ЙХҚнинг 164-бандида белгилангандан ортиқ бўлган;

➤ ўта оғир, катта ўлчамли ва хавфли юк ташиётган транспорт воситаларида ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда бундай транспорт воситаларини кузатиб келаётган транспорт воситаларида ёқилиши керак.

Зарғалдоқ ва сариқ рангли чироқ-маёқча ҳаракатланишда имтиёз бермайди ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларини фақат хавф борлигидан огоҳлантиради (ЙХҚнинг 28-банди).

Кундузи чироқ ёқиб

Кундузи мотоцикл чироғини ёқиш керакми?

Э.Мермукулов. Тошкент ш.

– Куннинг ёруғ вақтида қуйидаги ҳолларда яқинни ёритувчи чироқлар ёқилиши керак:

➤ транспорт воситалари ташкилий жамланма сафида ҳаракатланаётганда;

➤ йўловчиларни ташиётган автобус ва йўналишли транспорт воситаларида;

➤ болалар гуруҳини ташкилий ташишда;

➤ хавфли, катта ўлчамли ва оғир вазили юкларни ташишда;

➤ механик транспорт воситаларини шатакка олишда (шатакка олиб кетаётган транспорт воситасида);

➤ мотоцикл ва мопедларда (ЙХҚнинг 138-банди).



Кимга бўйсунуш керак

Светофорнинг яшил чироғида ўтаётганимда ДИХХ инспектори тўхтатди.

Чорраҳада тартибга солувчи турган бўлса, светофорга эмас, балки унинг ишораларига эътибор қаратиш кераклиги ростми?

Марьям Х. Тошкент ш.

– Ҳа, ҳатто светофор ишоралари, йўл белгилари ва чиқиқлари талабларига зид келган ҳолларда ҳам йўл ҳаракати қатнашчилари – ҳайдовчилар ҳам, пиёдалар ҳам тартибга солувчининг ишораси ва кўрсатма-

ларига амал қилишлари керак.

Бироқ светофор ишоралари имтиёз белгилари талабларига зид келган ҳолларда ҳайдовчилар светофор ишораларига амал қилишлари керак (ЙХҚнинг 43-банди).

«АвтоНорма» бўлимини Алла Ромашко олиб боради.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва

ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –

бош муҳаррир

ўринбосари,

масъул котиб

Нодир Носирович

АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўча, 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилиш ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўроқ бېғими – А3. Ҳўрими – 2 боғим табоқ. Баҳоси кўчиган нарҳда.
Буортма 239. Адади 875. Газета 2018 йил 14 май соат 15.50 да топширилди.

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
буйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;

Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.